

Зуҳрахон Абдулҳакимхон қизи

БОЛАЛИКНИ ҚўМСАЙДИ КЎНГИЛ

Шеърлар



«Фаргона» нашриёти
2008 йил.

84(5y)6


Зуҳра Абдулҳакимхон қизи 1977 йилда
Чуст туманининг Гоға қишлоғида
түгилган, Наманган Давлат
Университетини тамомлаган. Шеърлари
туман, вилоят вақтили матбуот
нашрларида тез-тез босилиб туради.

«Болаликни қўмсайди кўнгил» муаллиф-
нинг биринчи китоби.

Ушбу китобимни отам Абдулҳакимхон
Дарвишхўжаевнинг порлоқ хотирасига
багишлайман.

Муаллиф.

10 34482
0



© Зуҳрахон Абдулҳакимхон қизи. «Фарғона» нашриёти.

ВАТАН

Фиқор-ла номингни тилга оламан,
Абадий яшагин, мангу бўл, Ватан.
Тупрогинг мен учун азиз жондан ҳам,
Асл фарзандингман, сен-отам, онам.
Нақадар қалбларда суюксан, Ватан,
Неки бор, баридан буюксан, Ватан!

Васлингни куйламоқ мен учун шараф,
Асло тўймагайман ҳуснингга қараб.
Танҳо сен бир тараф, дунё бир тараф,
Таърифинг ёзмоққа ожизман ажаб...
Нақадар қалбларда суюксан, Ватан,
Неки бор, баридан буюксан, Ватан!

Сени деб жонидан кечганлар қанча,
Армон-ла дунёдан кетганлар қанча.
· Тўмарис ва Широқ, ҳатто Муқанна,
Ажал отлиқ ёўни енгганлар қанча...
Нақадар қалбларда суюксан, Ватан,
Неки бор, баридан буюксан, Ватан!

*Асрлар оша сен боқий бўл, доим,
Азиз она юртим, Ўзбекистоним.
Гинчлик, озодлик ёр бўлсин, илоҳим,
Асрасин ганимдан сени худойим.
Накадар қалбларда суюксан, Ватан,
Неки бор, баридан буюксан, Ватан!*

ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

*Агар қалам олсам қўлимга
Түгёнлар жўш урада росмана.
Зулфияхон кўзим ўнгида,
Гавдаланар сиймоси яна.*

*Юзларидан ёғилади нур
Кўзларидан таралар меҳр.
Нигоҳига ярашган гурӯр,
Сиймосида бор ажиб сеҳр.*

*Қўлга олиб у қогоз, қалам
Ижод этар гулзор – чаманда.
Шундай гўзал эди ул санам,
Пойидачи гуллар шарманда.*

*У ҳақиқий садоқатли ёр,
У ҳақиқий меҳрибон она.
Ўтказган кўп тунларни бедор,
Шеър ишқида ёниб мардона.*

*Ҳар гал қалам олсам қўлимга
Ҳаёлимдан ўтар у бир зум.
Бир шоира кўзим ўнгида
Шеър ёзади узундан узун...*

ОТАЖОНИМ – АРМОНИМ

*Йўлларимда сарбоним,
Дардларимга дармоним.
Сизга зор-зор ҳар оним,
Отажоним-армоним.*

*Бу бешавқат дунёда,
Ғамим мани зиёда.
Бўлдингиз-ку увол-а,
Отажоним-армоним.*

*Баъзан түйдик оламга,
Ер түймади одамга.
Күнгил тўла аlamга,
Отажоним-армоним.*

*Бўлиб қолсам тўрт-беш ёш,
Багрингизга қўйсам бош.
Афсус энди йўқ илож,
Отажоним-армоним.*

*Болалигим-бокирам,
Сиздан ёдгор-хотирам.
Ортга қайтгим бор бирам,
Отажоним-армоним.*

*Сизни излай қайлардан,
Юлдузданми, ойлардан.
Ундан олис жойлардан,
Отажоним-армоним.*

УСТОЗ

(мактабда қүшик қилинганды)

Гулга бөгбон бўлмаса,
Гул эмас, у ҳазондир.
Устоз-сарбон бўлмаса,
Ҳаёт йўлсиз карбондир.

Сиз деб қучдик самони,
Сиздан билдик дунёни.
Ўргатдингиз илму-фан,
Комил инсон бўлмоқни.

Кўзимизга нур зиё,
Бахш этдингиз кўп, бекам.
Сизсиз унмас ҳеч гиёх,
Сизсиз йўқдир најот ҳам...



БОЛАЛИК

Энди қайтмас эртакдек күнлар,
Хаёлларга айланди бари.
Бегуборлик дамларин құмсар,
Ёник қалбим ўртанган сари.

Ортга қайтармиди ой-йиллар,
Хотиралар кетарми нари.
Болаликни күнгил құмсайди
Ёшлиқ ўтиб боргани сари.

КУЗ КЕЛСА

Куз келса...
Хазон шитирлайди менинг күнглимда,
Мен сизни согиндим, согинганым рост.
Гүдакдай осилар маңкам бүйнимга,
Мени согингандай минг битта азоб.

Куз келса...
Ёмғир томчилайди киприкларимдан,
Юрагимда эса санчадир чақмоқ.
Энди излаб боринг сиз изларимдан,
Яратиб қўйибман сиз учун сўқмоқ.

Күз келса...

*Учириб кетади шамол барини,
Биздан қолмаслиги мүмкін ном-нишон.
Аммо севги деган күйнинг авжини,
Ўчириб бўлмайди ҳеч вақт, ҳеч қачон.*

АРМОН ЯШИРИН

*Бошим узра сабо елади,
Рашкчи булут куйиб йиглади.
Томчиларчи багрим тилади,
Кўзларимда уммон яширин.*

*Бахтдан қониб, севдим, севолдим,
Мангу олов-ўт бўлиб ёндим.
Юрагимда недир қолди-ю,
Кўзларимда армон яширин...*

УНУТИШ ОГИР

Умр-ортга боқмас ۋا қایтmas ڪارۋون،
كىملىرىپ باخت تىپار، كىملىرىپ
ارمون،

خوҳ ڪىمماتلى بۇلسىن، خوҳى ү ارzon،
عىنۇتىلىش ئەگىر، عىنۇتىلىش ئەگىر.

Дард - بىت-بىتۇن، يوراك پارچا-پارچاسى
ىنگا ڇار он очىڭ كۈنگىل دارچاسى،
يىسىز كۈنىم بېكۆر بىلمام ىانچاسى،
عىنۇتىلىش ئەگىر، عىنۇتىلىش ئەگىر.

Күبۈنچ - كىمىدىپ تونگدا изلاپ يۇرگان
باخت،
Топىلگاچ، بىر كىنى يۈڭولار алبات،
«Дунё фоний، ёلغىز хотирىت اباد،
عىنۇتىلىش ئەگىر، عىنۇتىلىش ئەگىر».

ДАРДЛИ ДУНЁ

*Дардли дунё дардларинг ол,
Сира түкмай күз ёшларимни.
Энди яшай мен ҳам безавол,
Сенга бердим бардошларимни.*

*Керак эмас қайгу, алам, гам,
Қубонч, шодлик келгандир пайти.
Насиб этгай балки менга ҳам,
Эртакдаги малика баҳти.*

*Орзусига етгай ҳар одам,
Юраги пок бўлса агарда.
Зор-интизор кутган шахзодам,
Олиб кетгай мени албатта.*

ОЛИС-ОЛИС ТОМОНЛАРДА

*Олис-олис манзилларда
Юрибсизми сог, омон.
Менинг эса кўзларим тўрт,
Махзун боқар йўл томон.*

*Билар экан фақат ошиқ,
Күйган юрак дардини.
Билмадингиз сизни жондан,
Сүйганиң қизнинг қадрини.*

*Олис-олис томонларда,
Юргандирсиз сог-омон.
Сизсиз ёлгиз юраккинам,
Қийналди-ку күп ёмон.*

*Согинчларнинг азобидан,
Кўздан ёшим томчилар.
Армон отлиқ аравакаш-
Киприкларим қамчилар.*

*Олис-олис манзилларда
Юрганмишсиз сог-омон.
Ҳижронларда қоврилдим-а,
Менга туттманг сиз осон.*

*Бу дунёning қувончидан,
Ғам-ташвиши кўп экан.
Ҳар қачонки баҳтлиман деб,
Яшаганлар йўқ экан.*

*Олис-олис томонларда,
Юраверинг сог-омон.
Майли қайды бүлсангиз ҳам,
Завол күрманг ҳеч қачон.*

*Ҳар гал күкдә ой чиққанда,
Эсга олинг бизни ҳам.
Йүлларингиз ёриттүүчи
Зүхро юлдуз-қизни ҳам.*

ҮТИНЧ

*Үтиниб сүрайман Аллоҳим сендан,
Менга ҳам баҳт бергин, саодат
бергин.
Согликни кетказма вүжүддән, тандан,
Синоат дүнёда қаноат бергин.*

*Майлига гам бергин шириндан ширин,
Майлига күзимга жиекка ёш түлдир.
Мұхаббат майидан беармон ичир,
Үлдирсангда факат ишқни деб үлдир.*

ҚАБРИСТОНДАН БОШЛНАР БАҲОР

*Қабристондан бошланар баҳор
Уфуради ҳаёт нафаси.
Эриб кетгач сўнгги оппоқ кор
Униб чикар кўклам майсаси.*

*Қабристондан бошланар баҳор
Чугур-чугур сайрар қушчалар.
Жўр бўлади шилдираб анҳор,
Хиром айлар раккос гунчалар.*

*Қабристондан бошланар баҳор
Замин узра гилам тўшалган.
Бу заминда азиз дадам бօр,
Қабри усти гулга ўралган.*

*Қабристондан бошланар баҳор
Кўлида гул қизингиз келди.
Согинчларим сизга бетакрор,
Куйлаб берсин шаббода-элчи.*

Қабристондан бошланар баҳор
Рұхингизни илгайман хира.
Бу дүнёдан аламларим бор,
Мәхрингизга түймадим сира.

Қабристондан бошланар баҳор
Ёшим томди шудринг мисоли.
Шунда бирдан ёришиб мозор,
Бүйин чүзди дийдор нихоли.

Қабристондан бошланар баҳор
Кенг дүнёга сигмади отам.
Ёлвораман, худойим зор-зор,
Чинор умрин яласин онам.

Қабристондан бошланар баҳор
Хеч үйламанг ҳаёт үлик деб.
Бу заминда азиз дадам бор,
Баҳордаин мангу тирикдир.



КҮНГИЛ

Күнгил!

*Не сан үзи, сени күриб бўлмаса,
Недирсанки, сени туттиб бўлмаса.*

*Не экансан сени тўлдириб бўлмас,
Не эрурсан сени кўндириб бўлмас.*

*Гоҳида-чи бўшлиқ бўлиб қоласан,
Гоҳо эса тўлиб-тўлиб тошасан.*

*Нега сенинг рангинг ё оқ, ё қора,
Баъзан бутун, баъзан бағринг минг
пора.*

*Кўзлар кўрмаганини кўра оласан,
Кези келса басир бўлиб қоласан.*

*Жуда кенгсан-дунё сигади сенга,
Қил ҳам сигмас торсан бунчалар нега?*

*Бир сахиисан, бирда ўта баҳилсан,
Гоҳо нодон, гоҳ доно, гоҳ оқилсан.*

*Оҳ, нозиксан, ҳар не ботиб кетади,
Баъзан дийданг тошдек қотиб кетади.*


*Лөв-лөв ёнсанг ўчириб бўлмас сени,
Гоҳ сокинсан тушуниб бўлмас сени.*

*Зиддиятлар сенда экан мужассам,
Барчасига айтчи қандай чидайсан?*

* * *

*Яшашдан маъни йўқ юрак бўлмаса,
Одамзод кимгадир керак бўлмаса,
Кўнгилда бир оппоқ тилак бўлмаса,
Тилагим чин дилдан сўйдиргин фақат,
Яшашга ўргатгин мени, муҳаббат...*

*Ишқнинг уммонига гарқ бўлгин кўнглим,
Шунчаки яшашдан афзалдир ўлим.
Бўлай Лайли, Ширин, Зуҳро ҳам ўзим,
Алардек ёндиргин, куйдиригин фақат,
Яшашга ўргатгин мени, муҳаббат...*



СЕВГИ

*Юракдаги санчиқсан, севги,
Гоҳ ширин, гоҳ аччиқсан, севги.
Бүнча қаҳри қаттиқсан, севги,
Меҳрингга зор бўлдим бир умр.*

*Сенда бўлса қувонч, баҳт, омад,
Бор эди-ку менда садоқат.
Заррача ҳам қилмасдан шавқат,
Меҳрингга зор этдинг бир умр.*

*Мен телбани этмассан писанд,
Ё гуруринг шунчалик баланд.
Интилсам-да, мен сенга ҳарчанд,
Меҳрингга зор ўтдим бир умр.*

*Не кўйларга солмадинг, севги,
Азоблашдан толмадинг севги.
Уволимга қолмагин энди,
Меҳримга зор бўлиб бир куни.*

СЕНСИЗ...

Гуноҳ ўтсин майли мендан,
Узолмасман кўзим сендан.
Севиб қолдим юрагимдан,
Жоним, сендан кечолмасман,
Кечир, йироқ кетолмасман.

Ўгирладинг ҳаловатим,
Сени деб йўқ фарогатим.
Ишқдан экан жароҳатим,
Жоним, сендан кечолмасман,
Кечир, йироқ кетолмасман.

Юрагимни эздикү гам,
Шунча дардим бўлдими кам.
Ҳайдасангда барибир ҳам,
Жоним, сендан кечолмасман,
Кечир, йироқ кетолмасман.

Ҳеч бўлмаса тингла сўзим,
Ҳажрингда зор бўлган ўзим.
Сенсиз ҳаёт менга ўлим,
Жоним, сендан кечолмасман,
Кечир, йироқ кетолмасман.

МУҲАББАТНИНГ ОСМОНИДАН...

*Баҳор кетди, қувончимни бошлаб
кетди,
Қалдиргочлар юрагимни гашлаб кетди.
Бебафо ёр ҳижронларга ташлаб
кетди.
Кетолмадим, бирга-бирга кетолмадим.*

*Қаламим-ла муножотни куйлагайман,
Тўлин ойга ўтган куним сўйлагайман.
Кечакундиз факат шуни ўйлагайман,
Айтолмадим нега, нега айтольмадим...*

*Бу дунёдан умидимни үзгани маҳал,
Ғам-ташвишлар куйган дилим эзар
баттар.*

*Орзуларим чексиз эди осмон қадар,
Етолмадим нега, нега етолмадим.*

*Тўйиб-тўйиб ичиб ишқнинг шаробидан,
Кўкка учдим, ёлгон дунё азобидан.
Юлдуз бўлиб муҳаббатнинг осмонидан,
Қайтолмадим ерга, ерга қайтолмадим.*

МЕНИ СОГИНСАНГИЗ...

*Мени согинсангиз самога боқинг,
Нигоҳингиз узманг кеча-ю кундуз.
Юрагим қүёшдир, чеҳрам түлин ой,
Билсангиз күзларим-порлаган юлдуз.*

*Мени согинсангиз дарёга боқинг,
Күйган ошикларга тилангиз бардош.
Дарё-ишк үммөни күнглимга сигмай,
Күзим қиргогидан тошиб оқкан ёш.*

*Мени согинсангиз дүнёга боқинг,
Түшингиз, ўнгингиз, ҳаёлингизда.
Хар неки мен бўлиб кўринсин факат,
Бахт олиб кираин ҳаётингизга.*



БУНЧА

*Бу дунёда яшайды бир киз
Юрагида яширин бир җис.
Қалб түридан жой олган бир сиз,
Бунча сизни яхши күрмаса.*

*Буюк экан мұхаббат буюк,
У барчага баробар суюк.
Юраккинам оловдек куюк,
Бунча сизни яхши күрмаса.*

*Зори бор-у зўри йўқ бизлар,
Тегрангизда парвона қизлар.
Неча-неча гўзал ой юзлар,
Бунча сизни яхши күрмаса.*

*Азобларга қолмайсиз ҳеч вақт,
Бошингизда доим тож-у таҳт.
Кулиб түриб эшик очган баҳт,
Бунча сизни яхши күрмаса.*

*Дардли чиқди шўх куйлаганим,
Армон экан кўп ўйлаганим.
Мени суйган-мен суймаганим,
Бунча мени яхши күрмаса.*

* * *

Сокин анжор бүйларида,
Үтирибман үйланиб.
Қарай десам қаролмасман,
Сиз томонга бүйланиб.

Юрагимдан кетмас бўлиб,
Қолди-ку ишқ жойланиб.
Ғам-андуҳга тўлган кўнглим,
Оқди сувдек сойланиб.

Сокин анжор бүйларида,
Үтирибсиз үйланиб.
Нега бир бор қарамайсиз,
Биз томонга бүйланиб.

Ҳаётимнинг мазмунисиз,
Қолдим ипсиз боғланиб.
Юраккинам қоврилди-ку,
Ишқ ўтида додгланиб.



БИЛМАЙСАН

Сен мени билмайсан, чин дилдан,
Юракдан севишим, суйишим.
Сен мени билмайсан, сени деб,
Ишқингда чўг бўлиб куишиим.

Сен мени билмайсан, сенсиз бу,
Кўзимга кенг дунё торлигин.
Оҳ, қани билсайдинг бир бора,
Васлингга бир телба зорлигин.

Сен мени билмайсан, мен сени,
Кўмсайман ичикиб, согиниб.
Мен ахир бу ёргу дунёда,
Яшайман бир сенга сигиниб.



СИЗНИ КУТИБ

*Сиз келасиз, қаршингизда,
Бош эгаман мисли гул.
Чүг күраман шаштингизда,
Үзни унутыб буткул.*

*Сиз кетасиз, ортингизда,
Мен қоламан қараб йүл.
Юраккинам парча ўтга,
Айланади-ей буткул.*



СИЗ УЧУН ЯШАРМАН...

*Маңзұна күзларим сиз учун,
Пинжона сүзларим сиз учун.
Баҳор-у ёзларим сиз учун,
Сиз учун яшарман, сиз учун.*

*Бегимсиз, камина қулингиз,
Ой бўлиб ёритай йўлингиз.
Мен ахир ягона гулингиз,
Сиз учун яшарман, сиз учун.*

*Юракда ажисб ҳис туйдим-а,
Гоҳ ёндин, гоҳида куйдим-а.
Дунёда бир сизни суйдим-а,
Сиз учун яшарман, сиз учун.*

*Гоҳ кулиб, иигладим сизни деб,
Багримни тигладим сизни деб.
Ўзгани демадим, сизни деб,
Сиз учун яшарман, сиз учун.*

*Беш күнлик дунёдир, бир дунё
Ўйламанг севгини деб рўё.
Ўлгунча то абад дер Зухро:
Сиз учун яшарман, сиз учун.*

ЮРАККИНАМ

*Юраккинам, сен уриб тургин,
Мен ҳали күп яшамоқчиман.
Эварали бүвим мисоли
Мен ҳам ошим ошамоқчиман...*

*Юраккинам, огримай тургин,
Ташвишларим оламда күпдир.
Бор-йүгени баҳшида этган
Нима бердим мушфик онамга.
Юраккинам, огримай тургин,
Орзүйимга мен ҳам етайнин.
Яхшиликлар қилай ҳали күп,
Одамларга күлдан келганча.*

*Юраккинам, сен уриб тургин,
Хеч түхтама киргумча юзга.
Хаётимни баҳт сари бургин
Хар лаҳзасин суртайин күзга...*

ДУРДОНАГА

(7 ойлик жиянимга)

*Эркалайман мен севиб,
Күзлари мунчоқ-мунчоқ.
Интиласан талпиниб,
Гар очсам сенга құчоқ.*

*Ширингина буриб лаб,
Олиб қочасан күзинг.
Кулганингда қиқирлаб,
Сезаман айтмоқ сүзинг...*

*Чиқилласа «шиқилдөк»,
Завқланиб шод кулласан.
Жимликка иўк тоқатинг
Шүхгина қиз бўласан.*

ТҮРТЛИКЛАР

Яхшилик қиласылар, бұлайлик яхши,
Ортимизда қолсın мудом яхши ном.
Дунёда ягона ҳақиқат ҳакқи
Түлсін қалбимизга эътиқод иймон.

* * *

Кенгга кенгдір торға тор дунё,
Дилга берди күп озор дунё.
Ағвал унда мавжуд әдім мен,
Әнди менда бори бор дунё.

* * *


Кимга ҳар күн, ҳар оним садқа,
Кимлар учун жаһоним садқа.
О, мұхаббат, ёлғыз сен учун
Худо берған бир жоним садқа.

* * *

Манманлик ҳурматга келтирада завол,
Ҳурматинг қандайкин бер үзга савол.
Камтар бўл мансабинг баландми,

пастми

Инсондир ҳурматда тенгдир билиб ол.



МУНДАРИЖА

Ватан	3
Зулфияхонимнинг 90 йиллигига	4
Отажоним армоним	5
Устоз	7
Болалик	8
Куз келса	8
Армон яширин	9
Унутиш оғир	10
Дарли дунё	11
Олис-олис томонларда	11
Ўтингч	13
Қабристондан бошланар баҳор	14
Кўнгил	16
Севги	18
Сенсиз	19
Мұҳаббатнинг осмонаиды	20
Мени соғинсангиз	21
Бунча	22
Билмайсан	24
Сизни кутиб	25
Сиз учун яшарман	26
Юраккинам	27
Дурдонага	28
Тўртликлар	29

Адабий – бадиий нашр
Зуҳрахон Абдулҳакимхон қизи

БОЛАЛИКНИ ҚўМСАЙДИ КЎНГИЛ

Шеърлар

Муҳаррирлар:

Ғаффор Расул.

Муҳаббат Иброҳим қизи.

Техмуҳаррир:

F. МУЛЛАБОЕВ

Мусаҳҳих:

C. ХОЖАЕВ

Компьютерда

A. ТОШХОЖАЕВ

саҳифаловчи:



Теришга 22.01.2008 йилда берилди. Босишга 08.02.2008 йилда руҳсат этилди. Газета қоғозига оғсет усулида чоп этилди. Бичими 60x84 1 16. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 500 нусха. Буюртма № 58. Бахоси келишилган нархда.

«Фарғона» нашриёти, Соҳибқирон Амур Темур кўчаси 28-үй, 1-кават.

«Чуст босмахонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри, Сўғизода кўчаси, 8-үй.